



ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ “СНЕ – 2020” ИМПОРТ МАҲСУЛОТЛАРИ УЧИНЧИ ХИТОЙ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА ИШТИРОК ЭТДИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ИМПОРТ МАҲСУЛОТЛАРИ УЧИНЧИ ХИТОЙ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари!

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари ва кўргазма иштирокчилари!

Авваламбор, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Жаноби Олийларига Импорт маҳсулотлари учинчи Хитой халқаро кўргазмасининг очилиш маросимида иштирок этиш таклифи учун миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Ушбу тadbирга ўз мамлакатларининг иқтисодий муваффақиятлари, энг янги ишланма ва маҳсулотларини намойиш этиш мақсадида йиғилган барча иштирокчиларни қўлайман.

Бугун ЭКСПО-2020 кўргазмасида 180 мамлакат ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

Бу ХХРнинг хорижий шериклар билан муносабатлари суръати ортб бораётганининг ёрқин далилидир.

Афсуски, коронавирус пандемияси халқаро иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатди. Жаҳон савдоси ҳажмлари камайди, глобал ишлаб чиқариш занжирлари ва савдо алоқалари қисман узилди.

Пандемия келтириб чиқарган глобал ижтимоий-иқтисодий инқироз икки томонлама ва минтақавий даражада янада яқин мувофиқлашув ва ҳамкорликка ўткир зарурат борилини кўрсатди.

ЭКСПОдек йиллик тadbирнинг ўтказилаётгани Хитойнинг миллий иқтисодиётни тиклашда эришаётган муваффақиятларидан ҳамда кенг қўламли халқаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик ниҳоятда зарур эканидан далолат беради.

Бундай халқаро майдонлар иқтисодий мулоқотни ривожлантириш ва пандемия келтириб чиқарган глобал ижтимоий-иқтисодий муаммоларни тез фурсатда ҳал этишининг муҳим омилли бўлиб хизмат қилиши мумкин. Фурсатдан фойдаланиб, коронавирус инфекциясига қарши курашишда Ўзбекистонга кўрсатилган салмоқли ёрдам ва қўмак учун Хитой Халқ Республикаси раҳбариятига самимий миннатдорлик билдирмоқчиман.

Ҳурматли кўргазма иштирокчилари! Ўзбекистон Хитой билан иқтисодиётларимиз ўзаро бир-бирини тўлдириб туриши асосида кенг иқтисодий

шерикликда катта истиқболларни кўрмоқда.

Мамлакатимиз Шанхайда ўтказилган аввалги ЭКСПО кўргазмаларида фаол иштирок этди, бу икки томонлама савдо ва инвестициявий ҳамкорликка катта суръат бағишлади.

Бу сафар ҳам Ўзбекистон компаниялари, пандемияга қарамай, ушбу тadbирда кенг иштирок этмоқда.

Қадри дўстлар!

Хитой Халқ Республикаси Раисининг савдо соҳасида барқарорликни таъминлаш, савдо тўсиқларини бартараф этиш, шунингдек, турли мамлакатлар иқтисодиётларининг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш орқали глобал иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга қаратилган янги стратегик курси Ўзбекистонда юксак баҳоланмоқда.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришнинг энг муҳим жиҳатларига тўхталганини истардим.

Биринчидан, Ўзбекистонда миллий иқтисодиётни, шу жумладан, ташқи савдо режимини либераллаштириш изчи амалга оширилмоқда.

Жаҳон савдо ташкилотига кириш ва янада қўлай инвестиция муҳитини яратиш бўйича масалалар ҳал қилинмоқда.

Норматив-ҳуқуқий базамизни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш борасида фаол иш олиб бормоқдамиз. Божхона-тариф, фискал тартибга солиш ва экспорт-импорт процедуралари механизмларини такомиллаштирямиз, уларни сезиларли даражада соддалаштирямиз, “яшил йўлақлар”ни шакллантириш таклиф этилади.

Иккинчидан, Транспорт соҳасидаги ҳамкорликни кучайтириш муҳим йўналиш ҳисобланади. Ўзбекистонда транспорт-транзит салоҳиятини жадал ривожлантириш, минтақада қуруқликдаги коммуникацияларнинг самарали тизимини шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Биз минтақавий ва ҳудудлараро ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш учун кенг истиқболлар очиб бераётган “Бир макон, бир йўл” ташаббусини фаол қўллаб-қувватладик.

Бугун Марказий Осиё, Буюк ипак йўли даврларида бўлганидек, Европа ва Осиё ўртасидаги савдо-иқтисодий ва транспорт-транзит йўлақларининг хабиға айланиши мумкин.

Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон янги мультимодал транспорт йўлаги очилганини олишлаймиз, ушбу маршрут бўйлаб темир йўл қуриш лойиҳасини тезлаштириш тарафдоримиз.

Шунингдек, “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида “қуруқликдаги портлар”, логистика ва улгуржи-дистрибьюторлик марказларининг интеграциялашган тармоғини шакллантириш борасидаги сазъ-ҳаракатларни бирлаштиришни таклиф этамиз.

Марказий ва Жанубий Осиё темир йўллари тизимларини боғлайдиган янги транспорт йўлақларини яратиш борасидаги ташаббуслар катта аҳамиятга эга. Бу Евроосиё қитъасидаги қуруқлик транспорти тизимини туташтириш имконини беради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида БМТ шафелигида Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини очил таклифини илгари сурган эдим.

Ушбу ташаббус шериклар ва халқаро ташкилотлар томонидан фаол қўллаб-қувватланишига умид қиламиз.

Учинчидан, Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ўзининг индустриал тараққиётини жадаллаштирмоқда. Биз ҳомашё экспортини қисқартириш, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва кўпайтириш сиёсатини амалга оширямиз.

Шу маънода, саноат кооперациясини фаол ривожлантириш, биринчи навбатда, минерал-ҳомашё ресурсларни чуқур қайта ишлаш ва экспорт бозорларига чиқиш учун юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича янги қўшма корхоналар ташкил этиш тарафдоримиз.

Шу мақсадда саноат кооперацияси бўйича қўшма дастур қабул қилишни ҳамда қўшма инвестиция фондлари, сармояларни кафолатлаш ва суғурталаш каби воситалар ёрдамида икки мамлакат бизнес вакилларини аниқ лойиҳаларни амалга оширишга рағбатлантиришни таклиф этамиз.

Тўртинчидан, Пандемия муносабати билан иқтисодиётни рақамлаштириш жараёнларини тезлаштириш алоҳида долзарб аҳамият касб этди.

Халқаро савдо, божхона расмийлаштируви, транспорт, таълим соҳаларига ахборот технологияларини кенг жорий этиш бўйича қўшма чора-тадбирларни ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Электрон савдо майдончаларидан фойдаланиш ҳисобига савдо ҳажмларини янада ошириш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон электрон тижорат соҳасида истиқболли таклифларни амалга оширишда ҳамкорликка тайёр.

Бешинчидан, COVID-19 пандемияси билан боғлиқ вазият глобал кун тартибининг асосий масаласи бўлиб қолмоқда. Ушбу инқироз узоқ давом этиши эҳтимолдан холи эмас.

Ўз-ўзидан равшанки, ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши, тиббий товарларга эҳтиёжларнинг ортиши, молиявий беқарорлик ва глобал етказиб бериш занжирларининг бузилиши шароитида ҳеч бир мамлакат яққа ҳолда пандемиянинг салбий оқибатларини енгиб ўта олмайди.

Вазият ушбу ҳаётини муҳим масалаларда жипслашишни, мувофиқлашган ва, энг муҳими, самарали ҳаракатларни тақозо этмоқда.

Шу муносабат билан тиббиёт соҳасидаги ҳамкорликни, пандемия ва трансчегаравий тусдаги эпидемиологик таҳдидларга қарши курашишда тажриба алмашишни кучайтиришни таклиф этамиз.

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар! ЭКСПО—2020 якунлари жаҳон савдосини тиклаш ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш жараёнига қўшимча суръат бағишлаганига ишонамиз. Кўргазманинг барча иштирокчилари фаолиятига муваффақиятлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси
Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 4 ноябрь куни Шанхай шаҳрида “СНЕ – 2020” Импорт маҳсулотлари учинчи Хитой халқаро кўргазмасининг очилиш маросими иштирокчиларига видеоалоқа орқали мурожаат йўлади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида ЭКСПОдек йиллик тadbирнинг ўтказилаётгани Хитойнинг миллий иқтисодиётни тиклашда эришаётган муваффақиятларидан ҳамда кенг қўламли халқаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик ниҳоятда зарур эканидан далолат беришини таъкидлади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти глобал инқироз шароитида савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва ҳудудлараро алоқаларни ривожлантиришнинг муҳим масалаларига тўхталиб ўтди.

Ўзбекистонда миллий иқтисодиётни либераллаштириш, ташқи савдо режими ва экспорт-импорт тартиб-таомилларини соддалаштириш, норматив-ҳуқуқий базани халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш, “яшил йўлақлар”ни шакллантириш, Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиш, янада қўлай инвестиция муҳитини яратиш борасида изчил кўрилаётган чора-тадбирлар қайд этилди.

Шавкат Мирзиёев транспорт соҳасидаги ҳамкорликни кучайтириш ва Марказий Осиё транспорт-транзит салоҳиятини кенгайтириш муҳим устувор йўналиш бўлиб қолаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон минтақавий ва ҳудудлараро алоқаларни мустаҳкамлаш

учун кенг истиқболлар очиб бераётган “Бир макон, бир йўл” ташаббусини фаол қўллаб-қувватлаётгани, Марказий Осиё, Буюк ипак йўли даврида бўлганидек, Европа ва Осиё ўртасидаги савдо-иқтисодий ва транспорт-транзит йўлақларининг хабиға айланиши мумкинлигига ишонч билдирилди.

Марказий ва Жанубий Осиё темир йўллари тизимларини боғлайдиган янги транспорт йўлақларини яратиш борасидаги ташаббус катта аҳамиятга эга экани, бу Евроосиё қитъасидаги қуруқлик транспорти тизимини туташтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари мамлакатимиз Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон янги мультимодал транспорт йўлаги бўйлаб темир йўл қуриш лойиҳасини тезлаштириш тарафдори эканини қайд этди.

Бундан ташқари, “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида “қуруқликдаги портлар”, логистика ва улгуржи-дистрибьюторлик марказларининг интеграциялашган тармоғини шакллантириш борасидаги сазъ-ҳаракатларни бирлаштириш таклиф этилди.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДА ФИСКАЛ ИНСТИТУТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Молия ва солиқ соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг замонавий тизимини яратиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини” Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Малака ошириш маркази негизда Давлат солиқ қўмитаси ҳузурида **Фискал институт** (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этилсин.

2. Институтда кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар белгилансин:

солиққа тортиш ва молиявий назорат соҳалари учун бакалаврият ва магистратура йўналишлари бўйича кадрларни кредит-модуль тизими асосида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини такомиллаштириш;

кадрлар тайёрлаш борасида хорижий давлатларнинг солиқ органлари ва ўқув муассасалари билан тажриба алмашишни кенгайтириш ҳамда қўшма таълим дастурларини амалга ошириш, ўқув-таълим жараёнига хорижий олимлар ва мутахассисларни фаол жалб қилиш;

бюджет даромадларини шакллантиришда давлат манфаатларини ҳамда солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқларини таъминлаш опадиган кадрларни тарбиялаш;

солиқ органлари учун илгор ахборот-коммуникация технологиялари ва автоматлаштирилган таҳлил

услуглари билан ишлаш кўникмасига эга бўлган мутахассислар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;

солиққа тортиш ҳамда молиявий назорат соҳаларида амалий ва фундаментал илмий-тадқиқотлар олиб бориш натижасида инновацион лойиҳаларни жорий этишни кенгайтириш;

малакали кадрлар тайёрлашни бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг замонавий усуллари, халқаро солиққа тортиш, трансферт нархларни белгилаш, таваккалчиликларни таҳлил қилиш, бизнес-таҳлил технологиялари (Business Intelligence) ва солиқ маъмуриятчилигида илгор ахборот технологияларини (Big Data) қўллаш асосида ташкил этиш;

ўқув жараёнида ўқитишнинг замонавий шакл ва методлари, шу жумладан, педагогик ва ахборот технологияларини, масофавий таълимни, ўқитиш ва тренингларини интерфаол ҳамда муаммоли-вазиратли услубларини кенг жорий этиш, талаба, тинловчи ва педагог кадрларнинг глобал ахборот-ҳуқуқий ҳамда таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш.

3. Белгилаб қўйилсинки, Институт: солиқлар ва солиққа тортиш соҳаси учун олий маълумотли мутахассислар ва илмий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича **таянч олий таълим муассасаси**;

молиявий назорат ва аудит ҳамда солиқ, молия ва тижорат ҳуқуқи, шунингдек, иқтисодиётда ахборот технологиялари соҳаларида кадрлар тайёрлаш ва юқори даражада фундаментал ҳамда илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилишини таъминлайдиган олий таълим муассасаси ҳисобланади.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДА ФИСКАЛ ИНСТИТУТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

4. Россия Федерацияси Ҳукумати ҳузуридаги Молия университети билан Институт тузилмасида мазкур университетнинг бўлиминини (факультетини) ташкил этиш тўғрисида келишувга эришилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, Россия Федерацияси Ҳукумати ҳузуридаги Молия университетининг Институт тузилмасидаги бўлиминини (факультетини) моддий-техник таъминоти жорий йилда Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ғимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб тўлов-контракт асосида тушган маблағлар ва қонун ҳужжатлари билан таққилланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

5. Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги **Фискал институтнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича “Йўл харитаси”** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Белгилансинки:

Институт Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Малака ошириш марказининг барча ҳуқуқ, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Институтда ўқув жараёни 2021/2022 ўқув йилидан бошланади; давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг (иш берувчилар) эҳтиёжларидан келиб чиқиб, кўндүзги бакалаврият таълим йўналишлариға мос бўлган йўналишлар доирасида **табақалаштирилган тўлов-контракт асосида сиртки таълим** шаклида ўқитиш ташкил этилади. Бунда талабаллик тавсия этилган абитуриентларнинг ўқиши учун тўлов иш берувчининг ходим (абитуриент) билан келишилган шартномасига мувофиқ белгиланган шаклда амалга оширилади;

Институтда бакалаврият таълим йўналишларининг битирувчи босқич талабалари учун таълим жараёни бевосита солиқ органлари маъмурий биноларида ташкил қилинади; Институт ректори, проректорлари, факультет деканлари, декан ўринбосарлари ва профессор-ўқитувчилари лавозим маошлари — олий таълим муассасаларининг, илмий ходимларининг лавозим маошлари эса — илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари миқдоридида белгиланади;

Институт бошқаруви, техник, хизмат кўрсатувчи, ўқув-ёрдамчи ва бошқа ходимларининг лавозим маошлари Давлат солиқ қўмитаси марказий аппаратининг тегишли лавозимлари учун назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорларида белгиланади; Институтнинг раҳбар, бошқаруви ходимлари ва профессор-ўқитувчилари таркибига Давлат солиқ қўмитаси марказий аппарати ходимларининг тегишли тоифалари учун хизматни ўташ ва мукофотларни тўлаш тартиблари татбиқ этилади.

7. Давлат солиқ қўмитаси **2021 йил 1 мартга қадар** Институтнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори лавозимига юқори малакали хорижий мутахассис тайинланишини таъминласин.

8. Давлат солиқ қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Фарона ва Тошкент солиқ коллежларини **Институт ҳузуридаги Фарона ва Тошкент солиқ техникумлари этиб қайта ташкил қилиш** тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

9. Институтда кадрларни тайёрлашга буюртма шакллантиришнинг шундай тартиби жорий этилсинки, унга мувофиқ;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда ҳўжалик бошқаруви органлари ҳар йили белгиланган муддатларда иш берувчиларнинг Институт томонидан тайёрланадиган кадрларга бўлган эҳтиёжлари ҳақидаги маълумотларни Давлат солиқ қўмитасига тақдим қилади;

Институтга қабул параметрлари белгиланган таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича бакалавр ва магистрларга бўлган эҳтиёжни ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқлари кесимида таҳлил қилиш асосида Давлат солиқ қўмитаси томонидан мустақил белгиланади;

мулкчиликнинг барча шаклларидаги ташкилотлар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари Институт ва

унинг ҳузуридаги солиқ техникумлари томонидан тайёрланадиган кадрларга буюртмани шакллантиришда иштирок этишга, хусусан, кадрларни мақсадли тайёрлаш учун тўловни, улар томонидан ўқишни тугатганидан сўнг, шартномада белгиланадиган муддат давомида ташкилот-буюртмачида узлуксиз ишлаш мажбуриятини қабул қилган ҳолда, амалга оширишга ҳақли.

10. Кўйидагилар Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

ҳўжалик фаолиятдан ва шартномалар асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия ташкилотларининг грантлари;

қонун ҳужжатларида таққилланмаган бошқа манбалар.

11. Институт ректорига ва солиқ техникумлари директорларига мазкур муассасаларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ходимларга уларнинг иш ҳажми ва самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда лавозим маошининг 100 фоизигача бўлган миқдорда қўшимча ойлик устама белгилаш ҳуқуқи берилсин.

12. **Институтга ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган олий таълим муассасалари эга бўлган ҳуқуқлар билан бир қаторда қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:**

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда таълим йўналишлариға ўзгартириш киритиш, ўқув режалари ва дастурларини ҳамда битирувчиларга қўйиладиган малака талабларини мустақил ишлаб чиқишга таъсидқлаш;

етақчи хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда **қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлашни ташкил этиш**;

кредит-модуль тизимини ўқув жараёниға жорий этиш борасида профессор-ўқитувчилар ўқув юкламасини мустақил меъёрлаштириш, шунингдек, педагог ходимлар томонидан ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ишлари, **“устоз-шоғирд” тизими бўйича ишларнинг бажарилишини рағбатлантириб бориш**;

халқаро эътироф этилган ташкилотлар — Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ва Academic Ranking of World Universities рейтингларининг барчасида бир вақтда биринчи 1 000 та ўринни эгаллаган олий таълим ташкилотларининг таълим дастурларидан фойдаланган ҳолда ўқитишни ташкил этиш;

таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда Институт ҳузуридаги солиқ техникумларининг ўқув-услубий жараёнини мувофиқлаштириш, ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқишга таъсидқлаш, қабул параметрлари ва таълим йўналишларини белгилаш; солиқ техникумлари педагог ходимлари меҳнатини меъёрлаштириш;

Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини белгилаш;

ўқиш учун тўлов миқдорини ўрнатган ҳолда Институт бакалаврият ва магистратурасига табақалаштирилган тўлов-контракт асосида қўшимча қабул параметрларини белгилаш; Институт илмий фаолиятиға ва ўқув жараёниға ўқитувчилар ва мутахассисларни, шу жумладан, чет эллик олимларни шартнома асосида жалб қилиш;

Институт ва унинг ҳузуридаги солиқ техникумларида номутахассислик фанларини ўқитиш ва факультатив машғулотлар ўтказишни аутсорсинг шартларида ташкил этиш;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги барча турдаги, шу жумладан, Институт ва унинг ҳузуридаги солиқ техникумларининг бино ва иншоотларини қуриш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича келишувларни тузиш ва амалга ошириш;

Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда молия йили учун Институт ва унинг ҳузуридаги солиқ техникумларининг даромадлар ва харажатлар сметасини, штат жадвални, бизнес-режасини тасдиқлаш,

уларға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, бино ва иншоотларини капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш, ходимларига иш ҳақини тўлаш тизими ва тартибини белгилаш.

13. Институт Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда:

а) Институтни ўқитишнинг замонавий шакл ва услубларини қўллаш қўнималарига ҳамда амалий иш тажрибасига эга бўлган, шунингдек, хорижда тажриба ортирган **малакали кадрлар билан тўлдирсин**;

б) тегишли фанлар бўйича **янги авлод дарсликлари** ва ўқув қўлланмаларини тайёрлашнинг комплекс дастури ишлаб чиқилишини таъминласин;

в) битирувчиларға нисбатан малака талаблари, ўқув режалари ва дастурларини қуйидагиларни назарда тутган ҳолда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

ўқув жараёнини илғор халқаро тажрибани, талабаларда тил тайёргарлигини, таҳлил қилиш қўбилиятини, тизимли таҳлил ва бошқаруви қўнималарини ривожлантиришға қаратилган талабларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш;

ихтисослик фанлари ўқув юкламасида **амалий машғулотлар ҳажмини тренажёр-имитацион ва дастурий комплексларни қўллаш ҳисобига ошириш** ва амалга оширилишини тартибга солувчи ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

г) қуйидагиларни:

Институт ходимларининг стажировка ўташ тартибини;

Институт лавозимларини ички идоравий ротация асосида эгаллаш тартибини;

Институт профессор-ўқитувчиларининг ўқув-услубий ва илмий фаолияти бўйича вақт меъёрларини, шунингдек, ўқув юкламасини белгилаш тўғрисидаги низоми;

Институт талабалари томонидан малакавий амалиёт ва магистрлар томонидан илмий стажировкани ўташ тўғрисидаги низоми ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

14. Инновацион ривожланиш вазирлиги Давлат солиқ қўмитасининг тақлифлари асосида илмий-тадқиқот ишлариға давлат буюртмаси талабларига мувофиқ амалий ва инновацион лойиҳаларнинг танловлар асосида шакллантирилишини таъминласин.

15. Давлат божхона қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда талабаларнинг соҳавий вазирлик ва идораларнинг тегишли бўлиналарида малакавий амалиётини ташкил этишда Институтга ҳар томонлама амалий кўмак кўрсатсин.

16. Давлат солиқ қўмитаси Институтнинг замонавий ўқув биноси, кутубхона, фойзалар зали, спорт зали ва ётоқхона биносини қуриш, шунингдек, мавжуд биноларни реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича буюртмачи этиб белгилансин.

17. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Давлат солиқ қўмитасининг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ 2021 йил ва келгуси йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурини шакллантиришда ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан Институт биналарини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини белгиланган тартибда киритилишини таъминласин.

18. Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Малака ошириш марказининг Тошкент шаҳар, Учтепа тумани Кичик халқа йўли, 3-уйидаги биналарни Институтга оператив бошқариш ҳуқуқи асосида берилсин.

19. Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ “СІІЕ – 2020” ІМПОРТ МАҲСУЛОТЛАРИ УЧІНЧИ ХІТОЙ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСІНІНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМІДА ІШТИРОК ЭТДІ

Бошланиши 1-бетда

Ушбу ташаббусларнинг аҳамиятини ҳисобга олиб, БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурилган БМТ шафелигида Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтакавий марказини очиш тақлифи шериклар ва халқаро ташкилотлар томонидан фаол қўллаб-қувватланишига умид билдирилди.

Ўзбекистон саноат кооперациясини фаол ривожлантириш, биринчи навбатда, минерал-ҳомашё ресурсларни чуқур қайта ишлаш ва экспорт бозорларига чиқиш учун юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича янги қўшма корхоналар ташкил этишга тайёр экани қайд этилди.

Шу мақсадда саноат кооперацияси бўйича қўшма дастур қабул қилиш ҳамда қўшма инвестиция фондлари, сармоияларни қафолатлаш ва сугурталаш каби воситалар ёрдамида икки мамлакат бизнес вакилларини аниқ лойиҳаларни амалга оширишга рағбатлантириш тақлиф этилди.

Давлатимиз раҳбари маросим иштирокчилари эътиборини пандемия шароитида иқтисодиётни рақамлаштириш

жараёнларини тезлаштириш алоҳида долзарб аҳамият касб этганига қарати.

Шу муносабат билан, Халқаро савдо, божхона расмийлаштируви, транспорт, таълим соҳаларига ахборот технологияларини кенг жорий этиш бўйича қўшма чора-тадбирлар ишлаб чиқиш гоёси илгари сурилди.

Ўзбекистон Президенти пандемия оқибатида келиб чиққан глобал иқтимоий-иқтисодий инқирозни енгиб ўтиш учун икки томонлама ва минтакавий даражада янада яқин мувофиқлашув ва ҳамкорликка ўткир зарурат борлигини таъкидлади.

Ишлаб чиқариш суръатларининг пайсайиши, тиббий товарларга эҳтиёжларнинг ортиши, молиявий беқарорлик ва глобал етказиб бериш занжирларининг бузилиши шароитида ҳеч бир мамлакат яқка ҳолда пандемиянинг салбий оқибатларини енгиб ўта олмастлиги алоҳида қайд этилди.

Сўзининг якунида Президент Шавкат Мирзиёев кўргазма иштирокчилари фаолиятга муваффақиятлар тилади ҳамда ЭКСПО якунлари жаҳон савдосини тиклаш ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш жараёниға қўшимча суръат бағишлашиға ишонч билдирди.

Маросимда Сербия, Чили, ЖАР президентлари, Испания ва Покистон ҳукуматлари, қатор халқаро ташкилотлар раҳбарлари ҳам мурожаат йўлладилар.

Импорт маҳсулотлари учинчи Хитой халқаро кўргазмаси доирасида 5 ноябрь куни Шанхай шаҳрида Ўзбекистон — Хитой бизнес форумини ўтказиш режалаштирилган. Унда Хитойнинг йирик савдо ва инвестиция компанияларидан 150 нафарга яқин вакил иштирок этади.

Форумда Ўзбекистоннинг инвестициявий, экспорт ва туризм салоҳияти намойиш этилади. Хусусан, Хитой ишбилармон доиралари нефть-газ, тўқимачилик, кимё, электротехника, металлургия, озиқ-овқат, қишлоқ ҳўжалиги ва қурилиш тармоқларида Ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликнинг янги имкониятлари билан танишади.

Тадбир иштирокчиларига Ўзбекистондаги қўлай ишбилармонлик муҳити, эркин иқтисодий зоналар ҳудудида бизнес юритиш, иқтисодиётнинг турли соҳаларини ривожлантиришда эришилган муваффақиятлар тўғрисида ҳам маълумот берилиши кўзда тутилган.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ НУТҚИ ІККИ ДАВЛАТ ЎРТАСИДАГІ ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГІ САҲІФАСИНИ ОЧДІ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг

Импорт маҳсулотлари учинчи Хитой халқаро кўргазмасининг очилиш маросимидаги нутқи ХХР ижтимоий-сиёсий, ишбилармон, академик доиралари ва кенг жамоатчилиги, шунингдек, халқаро тузилмалар вакилларида катта қизиқиш уйғотди.

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Импорт маҳсулотлари учинчи Хитой халқаро кўргазмаси иштирокчиларига мурожаати катта таассурот қолдирди. Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида коронавирус пандемияси келтириб чиқарган инқирозни биргаликда бартараф этишнинг энг долзарб масалалари, шунингдек, икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг муҳим жиҳатлари тўғрисидаги фикрлари билан ўртоқлашди.



Цзинь ЛИЦЮНЬ, Осиё инфратузилма инвестициялари банки президенти:



Жастин Ифу ЛИНЬ, Пекин университети иқтисодиёт профессори, Жаҳон банкининг собиқ бош иқтисодчиси, катта вице-президенти (2008-2012 йиллар):

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзинпинь тақлифига биноан Импорт маҳсулотлари учинчи Хитой халқаро кўргазмасининг очилиш маросимидаги иштироки Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шерикликнинг юқори даражасини ёрқин намойён қилди. Ўзбекистон раҳбари дастуриламал маъруза қилди, замонавий дунёнинг долзарб муаммолари тўғрисида ўз фикрларини билдирди ва уларни ҳал этиш бўйича ташаббусларни илгари сурди.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида Президент Си Цзинпинини “Бир макон, бир йўл” ташаббусини қўллаб-қувватлашни билдирди. У пандемия пайтида ўтказилган

кўргазма Хитойнинг Covid-19ни жилловлаш ва мамлакат иқтисодий ўсишини тиклаш борасидаги муваффақиятларидан далолат беришини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев тадбир иштирокчиларига мурожаат қилиб, ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришнинг бешта энг муҳим жиҳатига тўхталиди. Улар Ўзбекистоннинг ички ишловотларни чуқурлаштириш, глобаллашув жараёнида фаол иштирок этиш ва Хитой билан иқтисодий, савдо ва сармоиявий ҳамкорликни янада ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратишдаги катъиятдан далолат беради. Ўзбекистон Президентининг нутқи икки давлат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг янги саҳифасини очди.



Сунь ЧЖУАНЖИ, Хитой ижтимоий фанлар академияси Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институты директори:

— Ўзбекистон раҳбари жаҳон иқтисодиётини тиклаш бўйича муҳим ташаббусларни илгари сурди. Марказий Осиё муаммоларини ўрганаётган мутахассис ва олим сифатида мен Ўзбекистон раҳбариятининг бешта ташаббуси нафақат аниқ мақсадга қаратилган, балки пандемиянинг жаҳон иқтисодиёти ва минтакавий ҳамкорликка салбий таъсири шароитида муҳим амалий аҳамиятга эга, деб ҳисоблайман.

Ўзбекистон Марказий Осиёдаги йирик мамлакат, минтақанинг тўрт давлати ва Афғонистон билан чегарадош. Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, Ўзбекистон ўз ресурслари

афзалликларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда ички иқтисодиётни либераллаштириш ва унинг ташқи дунёга очқилигини таъминлашда давом этади, Евросиё китъасидаги ҳамкорлик жараёнларининг фаол иштирокчисига айланади.

Бугун Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишга интилоқда, кўп қирраллик ва кўп томонлама савдо тизимини ғимоя қилиш бўйича аниқ чоралар кўроқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистондаги бозор ишловотлари ўз самарасини кўрсатмоқда. Улар нафақат ички иқтисодий ўсиш ва таркибий ишловотларга янги туртки берди ва мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциясини тезлаштирди, балки бутун Марказий Осиё давлатларига фойда келтирди.

Ўзбекистоннинг минтакавий ҳамкорлики мустаҳкамлаш, низоларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш ва турли муҳим масалалар бўйича келишувга эришиш сиёсати минтакавий барқарорлик ва тараққиётни таъминлашда жуда аҳамиятлидир. Ўзбекистон ўз иқтисодиётини ўзгартириш ва модернизациялаш, ахборот технологияларини ютуқларидан фаол фойдаланиш, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, ташқи савдони кенгайтириш учун электрон тижорат платформалари имкониятларини ишга солиш, ҳомашё экспортини қисқартириш, иқтисодиётнинг халқаро рақобатбардошлигини яхшилашга катта эътибор қаратмоқда.

“Хитой ва Ўзбекистон кенг камровли стратегик шерикликни ривожлантириш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев ХХРнинг эпидемияга қарши чораларини ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги позициясини юқори баҳолади.

Икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларини янада мустаҳкамлашни, айниса, “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” транспорт коридори қурилишидаги ҳамкорлик, Ўзбекистоннинг “Бир макон, бир йўл” бўйлаб жойлашганлигидан самарали фойдаланиш икки мамлакатнинг “қурулқандаги портлар” тармоғини яратиш бўйича савй-харакатларини бирлаштиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон раҳбари божхона ва транзит жараёнларини соддалаштириш ҳамда “яшил йўлақлар” барпо этишни тақлиф қилди. Шуниси эътиборга лойиқки, бу Си Цзинпиннинг 2016 йил Тошкентда биринчи марта эълон қилган “Яшил ипак йўли”ни қуриш ташаббуси билан чамбарчас боғлиқдир.

“Дунё” АА

Пекин

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 4 ноябрь

Ш. МИРЗИЁЕВ

Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади

МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ



Худойназар ЮНУСОВ, Самарқанд ветеринария медицинаси институти ректори, биология фанлари доктори, профессор

Таълим соҳасига ҳар қанча эътибор қаратилса ҳам кам. Чунки унинг равнақи халқнинг эртанги кунни, тараққиёти ва тақдири билан чамбарчас боғлиқ. Илм-фанни ривожлантирмай, болаларга бериладиган билимнинг сифати ва самарадорлигини таъминламай, ўқитувчининг жамиятдаги мавқеини оширмай, илгор фикрли халқлар сифидан жой эгаллаш — тасаввурдан ташқаридаги гап.

Шу йилнинг 30 октябрь кунни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш масалалари муҳокамаси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида кўтарилган масалалар соҳага ўзини дахлдор билган барчани, яхши маънода, сергак торттирди.

Бугун ҳаммамиз бир ҳақиқатни кўриб, билиб турибмиз: жамиятнинг қайси тармоғи бўлмасин, ҳамиша яхши мутахассисга, ўз соҳасининг ҳақиқий эгаларига талаб юқори. Янгиланаётган Ўзбекистонни қуриш йўлидаги ислохотларимизнинг туб негизиди ҳам айнан шу истак етакчилик қилмоқда. Дунё тажрибасига кўра, тараққий этган мамлакатлар, мисол учун, Япония, Германия ёки Сингапурда ислохотлар, аввало, таълим соҳасида бошланганига гувоҳ бўламиз. Негаки, юрт эгаси бўлган ёш авлод таълим-тарбиясига устувор вазифа сифатида қараган, асосий эътиборни таълимга йўналтирган миллат келажак пойдеворини мустаҳкамлаган, эртаси кафолатланган бўлади. Бугун шиддат билан ўзгараётган замон, жаҳон бозоридида кескин рақобат ва юқори малакали кадрларга талабнинг ортиб бораётгани ушбу соҳада янги ислохотларни амалга оширишни талаб этмоқда. Бу табиий ҳол, албатта.

Мамлакатимизнинг таълим тўғрисидаги қонуни биринчи марта мустақил-лигимизнинг илк йилларида — 1992 йили қабул қилинган бўлса, 1997 йилда янгиланди. Орадан шунча вақт ўтиб, жорий йилнинг 23 сентябрь кунни “Таълим тўғрисида”ги қонун янги тахрирда қабул қилинди. Тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйган мамлакатимизнинг бугунги ва эртаси учун муҳим мазкур ҳуқуқий ҳужжат билан танишиб, амин бўлдики, унда бугун юртимизда юз бераётган ўзгариш ва янгиланиш, ислохотлар ўз ифодасини топган. Жумладан, аввалги қонунда назарда тутилмаган, замонавий мутахассисликлар, таълим-тарбия жараёнига, хусусан, умумий ўрта ҳамда олий таълимга миллий ва умуминсоний кадриятларнинг сингдирилиши, педагогик фаолият йўналтирилган шахс, у бочка тарбияланувчиси, мактаб ўқувчиси ёки талаба бўлишидан қатъи назар, билим, кўникма ва малакаларнинг зарурий ҳажминини бериш, мустақил



фаолиятга кенг йўл очиш, чегараларни қисқартириш ёки олиб ташлаш, таълим олувчиларда фикрлаш ва таҳлил қилиш қобилиятини кучайтиришга қаратилган норма ва қоидалар, мезонлар, айниқса, эътиборлидир.

Қонунда яна бир жиҳат диққатга молик: ишлаб чиқариш ёки фаолиятдан ажралмаган ҳолда ўқиш, яъни сиртки, кечки, масофавий, оилада ва мустақил таълим олиш, катта ёшдагиларни ҳам касб ва малака борасида ўқитиш, касб-хунар мактаблари фаолиятини замон талаблари асосида янгидан йўлга қўйиш, таълимнинг нодавлат шаклини ривожлантиришга эътибор қаратиш.

Агар талаба коллеж ёки техникумини айлани йўналиш бўйича тугатган бўлса, олий таълимни сиртдан олса, бунинг ёмон томони йўқ. Аксинча, у учун яна ҳам фойдали бўлади. Баъзи жабҳаларда сиртдан таълим олиш имконсиз бўлиши мумкин, лекин аксарият соҳаларда бу таълим шакли жуда самарали

экан исоботланган. Бутун дунёда ҳозир сиртки, кечки ва масофавий таълимга эътибор кучайган. Биз талабанинг мустақил таълим олишига ишонмаймиз, агар масъулиятни унинг ўзига юкласак, эскича қолиплардан воз кечган бўламиз. Тан олиш лозим, таълим соҳаси бугун ана шундай ислохотларга жуда муҳтож. Олдимизда ечим топилиши зарур бўлган қатор масала ва саволлар турибди.

Бугун 11 йил мактабда аъло баҳоларга ўқиган ёшлар нега олий таълим муассасаларига ўқишга кира олмапти? Уларга етарлича билим берилмаётими?

Нега юқори синф ўқувчилари мактабга эмас, репетиторга қатнаши керак? Ўша билимни мактабда олса бўлмайди?

Мактаб ўқитувчиларининг ўзлари ўқимаслими? Ўқувчиси берган оддий саволга муаллимнинг ўзи жавоб бера оладими?

Мамлакатимизнинг чекка ҳудудидаги мактабларга йўлингиз тушгандир. Икки юз-уч юз нафар бола таълим оладиган айрим мактаблар тараққиётдан узилиб қолган. Юртимизда кечаётган янгиланишлар уларга етиб бормайди. Одатда мактаблар ўн йиллар давомида бир киши томонидан бошқарилади, кейин “курси мерос қолдирилади”. Мактаб раҳбарияти айрим ҳолларда фақат қариндошлар, қуда-андалардан иборат.

Қонунда кўзда тутилган, мактаб директорларини 3 йилга тайинлаш ҳақидаги фикрлар ҳам асосли. Мактаб директорлигига бир неча номзод кўрсатилса, уларнинг орасидан муносиби танлаб олиниб, 3 йил давомида унга имконият берилса, у мактаб фаолиятини йўлга қўйса, урнида қолсин, элпол-маса, жойини муносиб инсонга бўша-тиб бериши керак.

Мактабда ҳам, худди олий таълимдагидек, ўқитувчиларни саралаш керакдир?! Институтдан мактабга келган, ҳали тажрибаси бўлмаган ёш ўқитувчи билан ўн-ўн беш йиллик тажрибаси бўлган ўқитувчи бир хил маош олиши тўғриси бўлмаслиги аниқ. Ўқитувчилар фаолияти бўйича таснифланиб, муайян босқичлардан ўтган, етакчи ўқитувчи, катта ўқитувчи, методист ўқитувчи ёки ўша фан бўйича эксперт сифатида сараланса, ҳудудлар бўйича фан ўқитувчиларининг уюшмалари ташкил этилса, энг яхши устозларнинг тажрибаси оммалаштирилса, фойдадан холи бўлмайди.

Президентимиз ўқитувчиларнинг маошини оширишни ваъда қилди. Агар жамиятда ўқитувчининг нуфузи олса, бу фақат ўша жамиятга фойда келтиради.

Таълим муассасамизга келаётган талабалар мактабдаёқ ўз олдида мақсад қўйиш ва мақсадга олиб боровчи йўллари билса, улардан яхши ва рақобатбардош мутахассис тайёрлаши-

миз ҳам осон кечади. Яна ҳам аниқроғи, бу фикр илгари ҳам айтилган, таълим узлуксиз, бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиши керак. Дейлик, мактабларимизни 5 баллик тизимда баҳолайдиган бўлсак, энг яхшилари деб тан олинганлари 4 баллга ҳам даъвогарлик қилолмайдими, деган тахминлар йўқ эмас.

Асрлар давомида Марказий Осиёда ҳамма соҳа бўйича етакчилик қилиб келган Ўзбекистон бугун айрим жабҳаларда, айниқса, таълим борасида қўшни мамлакатлардан ортда қолаётгани ачинарли, албатта. Мисол учун, Қозоғистоннинг бир эмас, бир неча олий таълим муассасаси дунёнинг етакчи олий ўқув юртлари мингталиги рейтингидан жой олишга улгурган. Бизда эса бу нуфузли рейтингга кириш учун эндигина ҳаракат бошланганди.

Иқтисодиётимиз ривожли илм-фан тараққиётига бевосита боғлиқ. Илм-фанни ривожлантирмай туриб, иқтисодиётимизни кўтаролмаймиз. Илмий тадқиқотларимиз қўламини кенгайтириб, инновацион фаолиятни ривожлантирмасак, таълим тизимига тан олинган халқаро амалиётни жорий этмасак, халқимиз турмуш фаровонлигида ўзгариш бўлмайди.

Айни кунда мамлакатимиз таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш мақсадида Президентимиз фармони лойиҳаси устида қизгин баҳслар, фикр алмашувлар кетмоқда. Бу кўпчилик зиёлиларни, шубҳасиз, қувонтиради. Негаки, келажак учун муҳим бўлган бу каби меъёрий ҳужжатлар, албатта, қабул қилиниши лозим. Муҳокамаларда иштирок этиш, унга ўз муносабатимизни билдириш орқали биз келажак учун масъуллигимизни яна бир бор тан оламиз.

Энг муҳими ҳам шу.

Сайёр қабул

ЮЗМА-ЮЗ ВА ОЧИҚ МУЛОҚОТЛАРДА АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИГА ИЖОБИЙ ЕЧИМ ТОПИЛДИ

Ўз ҳақини билган, ҳуқуқий қарашлари юксалаётган айлани давр кишилари шахсий ва жамият муаммоси бўйича қачон, қаерга, қандай мурожаат қилишни ўрганмоқда. Энди улар масалаларга бефарқ қараётган айрим мутасаддиларнинг қуруқ ваъдаларига ишонмайди, умид билан навбатдаги эшикни қоқади.



Раҳбарлар ҳам оддий инсонларнинг дардига қўлқў тутиш энг мақбул ечим эканини тушуниб етмоқда. Юзма-юз ва очик мулоқотлар эса аҳоли мушуқулларини осон қилади, ишончсизликни арилтади, албатта.

Наманган вилоятда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ташаббуси билан ўтказилган 3 кунлик сайёр қабул кўллаб муаммоларни бартараф этишда айни мuddао бўлди. Чуст туманидаги Биби она зиёратгоҳига Чуст, Поп ва Мингбуёқ туманлари, Тўрақўрғондаги “Комиллов Турсунбой” фермер хўжалиги дала шийпонига Тўрақўрғон, Косонсой ва Наманган туманлари, Чортоқ туманидаги “Ором” мажмуасига Чортоқ, Уйчи ва Янгиқўрғон туманлари, Учқўрғон туманидаги “Муҳаммадали ҳамкор бизнес” МЧЖга қарашли дала шийпонига Учқўрғон ва Норин туманлари фуқаролари тақлиф этилди.

Сайёр қабулларда Ўзбекистон Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Алишер Усмонов, вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Шавкат Абдуразақов, Президент Администрацияси, Халқ қабулхоналари, Олий суд, Бош прокуратура, 20 га яқин вазирлик ва идора, секторлар, ҳудудий ташкилотлар раҳбарлари аҳоли мурожаатларини тинглади.

Мурожаатлар ижроси юзасидан шу жойининг ўзида мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берилди, ўрганиш талаб этиладиганлари назорат учун белгиланди.

Оммавий сайёр қабул давомида 1878 нафар фуқаро қатнашиб, 1929 та масалани кўтарди. Уларнинг 719 таси ижобий ечим топди, 448 таси ҳуқуқий маслаҳат бериш орқали ҳал этилди, 177 тасига тушунтириш берилди, қолганлари назоратга олинди.

Мурожаатларнинг энг кўпи меҳнат ва бандлик, ҳуқуқ идоралари фаолияти, соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал, уй-жой соҳаси билан боғлиқ. Бундан кўриниб турибдики, аҳоли кўпроқ турар жой, бизнес юритиш учун ер олиш масаласида қийинчиликка дуч келмоқда.

Мурожаатчилар бу ерда йўналишларга ажра-

тилган масалалар бўйича тегишли мутасаддиларга учраб, ўзларини қийнаётган муаммо юзасидан қониқарли жавоб олди.

Фарҳоджон АҲМЕДОВ (Мингбуёқ тумани):

— Жомашўй шаҳарчасининг “Мустақиллик” маҳалласида истикомат қиламан, ёшим қирқ икки. Кўчага бировнинг кўмагисиз, ўзим чиқишни, мустақил ҳаракатланишни, ҳеч кимга огирлигим тушмаслигини истайман. Имкониятим чеклангани учун юриш воситасига эҳтиёжим бор эди, лекин уни сотиб олгани пулим йўқ. Сайёр қабулга қўшни йигит ўз машинасида олиб келди. Ўзим бир чеккада ўтирдим, менинг номимдан ҳамроҳим вилоятимиз ҳокимига илтимос қилди, мана, ногиронлик аравчаси билан уйга қайтганман, бу техника ҳам одамага анча тиргак бўларкан. Аввало, мушкулени омонлаштиришга уринган қўшнимга, гапхўр раҳбарларга раҳматимни газета орқали етказиб қўйсангиз.

Раҳимберди СУЛАЙМОНОВ (Наманган тумани):

— Оммавий қабулга “Қоратепа”, “Нуртепа” маҳалласида яшовчи 50 нафар фуқаро номидан келдим. Қўркам фазл кўчасидан об-ҳаво иссиқлигида ўтсангиз, уст-бошингиз чангга, ёғингарчиликда лойга ботади. Шунинг йўлсозларнинг бошлиғига ётми билан тушунтирдим. Кўчани шағаллаштириш юзасидан режа дафтрага ёзиб олди. Қолаверса, осилиб ётган ва ҳавфли электр симлари учун устун йўқлигини ҳам айтдим. Туман электр тармоқлари қорхонаси раҳбари келгуси ҳафта мутахассислари билан бориб, ҳудудимизга зарур бўлган 100 та симёғочни ўрнатиб беришга ваъда қилди. Оғрикли муаммо бартараф этилаётганидан мамнунмиз.

Жавлон ҒОЙПОВ (Тўрақўрғон тумани):

— Тадбиркорман, кўп ишларимизни, масалан, маркетинг жараёнларини интернет орқали битимас, реклама қиламиз. Пандемия шароитида

ахборот-коммуникация воситалари, мобиль қурилмаларга эҳтиёж ҳар қачонгидан ортиб ва бу ҳолат энди пасаймайди. Талабалар, олий ўқув юртлари ўқитувчилари дарс машғулотларини ва баъзи давлат ташкилотлари хизматчилари топшириқларни хонадонларида бажаряпти. Шу маънода, интернет сув ва ҳаводек зарурлигини ҳис қилиб, туман марказидаги “Туркистон” маҳалласининг Ф.Хужаев кўчасига 3 кун мuddат ичида шиша толали алоқа тармоғи тортиладиган бўлди. Бу билан ҳам интернет сифати яхшиланади, ҳам тўлов нархлари сезиларли арзонлашади.

Асалхон ҲУСАИНОВА (Янгиқўрғон тумани):

— “Бирлик” маҳалласидан сайёр қабулга умид билан келган эдим. Ишсизман, 2 фарзандим бор. Туман ҳокимининг ўзига учраб, режаларим билан ўртоқлашдим, яқин-атрофимизда бекат ва дўкон йўқлигини, ниятим дўкон очиш эканини айтдим. Арзон ва сифатли озиқ-овқат захирасини яратиш мақсадида ҳар бир маҳаллада савдо дўконлари ва кичик экобозорлар ташкил этиш бўйича ишлар бошлангани маълум қилинди. Шундан келиб чиқиб, менинг ҳаракатим “Элга хизмат” лойиҳасига бириктирилиб, тадбиркор сифатида иш бошлашга рухсат олдим.

Муяссар СИДДИҚОВА (Наманган шаҳри):

— “Шарқ тонги” маҳалласида яшайман. Ба-лиқчилик фаолиятини йўлга қўйиш бўйича мақсадли бизнес режамни Марказий банкнинг вилоят божқармаси бошлиғига тақдим этдим. Шу тадбиркорлик учун кредит олишим кераклигини билдирдим. Лойиҳам ўрганилиб, шу жойнинг ўзида максималга эришдим. Ишим бу қадар тез амалга ошишига, тўғриси, ишонмагандим. Мен учун 10 кун мuddат ичида 1 миллиард 400 миллион сўм кредит ажратилишини эшитиб, бошим осмонга етди.

Сайёр қабулда 71 ёшида шахсини тасдиқловчи ҳужжатни қўлга киритган қосонсойлик онахон Турсунбой Ҳошиматова янги паспортини кўзларига сўртиб, “Ўзбекистон Республикасининг фуқароси” деган ёзувини қайта-қайта ўқиб, шодлигини яширмай, дуога қўл очди.

Кейинги тўрт йил ичида мамлакатимизда халқ билан мулоқотнинг самарали тизими яратилди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг виртуал қабулхонаси ишга туширилгани, вилоят, шаҳар ва туманларда Президент Халқ қабулхоналари фаолиятининг изчил йўлга қўйилгани аҳоли қундалик турмуши, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, хизмат соҳаси, тадбиркорлик ривожидидаги муаммо ҳамда камчиликларга барҳам бериш орқали тараққиётни жадаллаштиришга хизмат қилмоқда. Айни жараёнда жойларда ўтказилаётган сайёр қабуллар ҳам халқ ичига кириб бориш, унинг ташвиш ва муаммоларини чуқур ўрганган ҳолда, тегишли идора ва ташкилотлар билан бамаслаҳат ҳал этишнинг натижадор воситаси сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда, — дея таъкидлади Президентнинг Мингбуёқ туманидаги Халқ қабулхонаси мудири Адхамжон Алимов.

Сайёр қабулнинг учинчи кунни янги форматда давом этди. Барча туманларда мурожаатлар бўйича амалий ишлар кўздан кечирилди ва муаммолар уйма-уй юриб, тегишли тартибда ҳал этишга эришилди.

Орифжон ЖЎРАЕВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Янги технологиялар

Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Бугунги кунда глобал иқлим ўзгаришлари сабаб юзага келаётган сув тақчиллиги шароитида кишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш учун сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, сўғоришнинг тежамкор технологияларини жорий қилиш муҳим масала ҳисобланади.



ЕР ОСТИДАН СУҒОРИШ ТИЗИМИ ҲАМ АФВАЛ, ҲАМ ФОЙДАЛИ

Кишлоқ хўжалигида сўғориш тизимларининг турли йўналишлари таъбиқ этилмоқда. Уларнинг ҳам турлари кўпайиб бормоқда. Жумладан, ер остидан, устидан, томчилатиб, ёмғирлатиб, плёнка тушаб сўғориш қабилари мисол тариқасида келтириш мумкин. Энг асосийси, бундай усуллар сувни бир неча баробар тежаш имкониятини бериши билан аҳамиятлilдир.

Шу сабаб бугун ҳар бир фермер, деҳқон хўжаликлари бу масалага алоҳида эътибор қаратмоқда.

Андижонда ҳам ер остидан сўғориш тизими оммалашмоқда. Вилоятдаги “Экосув” масъулияти чекланган жамияти томонидан тақлиф этилаётган ер остидан томчилатиб сўғориш лойиҳаси кўпчилик фермерларда қизиқиш уйғотмоқда. Сабаби, мазкур технологиянинг жуда кўп афзалликлари бор.

Янги лойиҳа Андижон тумани Исмоилов массивидаги “Олимовов Омадбек даласи” фермер хўжалигининг 5 гектар пахта даласида тажриба сифатида синовдан ўтказилди. Мутахассислар ўқув амалиёти даласида ер остидан сўғоришнинг бир йиллик натижаси, унинг кишлоқ хўжалигидаги афзалликлари билан танишиш жараёнида янги тизимнинг сув тақчил бўлган адирликларда ҳам жорий этилиши ҳар жиҳатдан фойдали бўлишини билдирди.

Таъкидланганидек, айни пайтда дала майдонидан ер остидан сўғориш тизимини ташкил этиш сарф-харажатлари анча юқори. Агар лойиҳа учун ишлатиладиган махсулотлар ўзимизда ишлаб чиқарилса, табиийки, унинг нархи ҳам 2-3 баробар арзонлашади.

— Бу усулда бошқа сўғориш тизимларига қараганда сувни икки баробар тежаш имконияти бор, — дейди кишлоқ хўжалиги фанлар доктори Анваржон Исҳоқов. — Бундан ташқари, тупроқ ювилиб кетмайди. Қолаверса, минерал ўғитлар бевосита ўсимликнинг илдиз қисмига берилади. Бунинг натижасида минерал ўғитлар ҳам иқтисод қилинади.

Бу усулнинг томчилатиб сўғоришдан яна бир афзаллиги тупроқ остидан сўғоришдир. Шу ўринда бу тизимнинг технологиясига тўхталиб ўтиш жоиз. Қайд этиш кераки, ерни кузда яхши шудгор қилиб, баҳорда экишдан олдин 50 сантиметр чуқурликда қувурлар ётқизилади. Шундан сўнг улар асосий бошқариш пультага уланади. Қувурлар 25-30 йилгача ишлатилиши мумкин. Муҳими, бундай сўғориш усулида пахтадан 50-52 центнердан ҳосил олинади. Агар мана шундай янги технологияларни жорий қилади-ган бўлсак, аввало, тупроқ унумдорлиги сақлаб қолинадиган, қолаверса, сув ва минерал ўғитларни иқтисод қилишга эришилади.

— Жорий йил баҳорда “Экосув” МЧЖ билан тажриба асосида ер остидан сўғориш тизимини қўллаш учун шартнома имзоладик. Бу тизимнинг қўлайлиги шундаки, сув муаммо бўлмади ва минерал ўғит бир баравар иқтисод қилинди. Агар таққослайдиган бўлсак, тизим жорий қилинмаган таламда бир гектарига 11-12 миллион харажат қилган бўлсак, бу ерда гектарига 3 миллион сўм сарфладим. Муҳими, бошқа далаларимда ҳосилдорлик 30-32 центнерни ташкил этган бўлса, бу ердан 50-55 центнердан ҳосил олишни мўлжаллаганман, — дейди фермер Амалжон Юнусхўжаев.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 1 гектар пахта майдонини уруғ қадалган даврдан то теримгача эгзатлаб сўғориш учун 10 миллион 412 минг сўм харажат қилинади. Ер устидан томчилатиб сўғоришда эса бир гектар майдонга 7 миллион 582 минг сўм, ер остидан сўғориш усулида эса 2 миллион 354 минг сўм сарфланади. Эгзатлаб сўғорилганда 7 минг 500 куб метр сув сарфланиб, ҳосилдорлик 25 центнерни, ер устидан томчилатиб сўғоришда 3 минг куб метр сув ишлатилиб, ҳосилдорлик 38 центнерни ташкил этади. Ер остидан сўғоришда эса 2 минг 400 куб метр сув билан 60 центнер натижадорликка эришилади.

Жорий йилда 5 гектар майдонда тажриба сифатида қўлланилаётган янги технология келгуси йилларда фақатгина пахта етиштиришда эмас, бундай парваршиш учун ҳам ишлатилиши режалаштирилмоқда.

Андижон вилояти Қўргонтепа тумани ҳокими Авазбек Эргашевнинг таъкидлашича, туманда жорий йилда 4 минг тонна полиз махсулотлари етиштириш белгиланган.

Туманда картошқачиликдан мўл ҳосил олиш мумкин. Чунки туманининг мўстақил иқлими ҳаво ҳарорати ва тупроқдаги намликнинг етарли бўлишини таъминлайди. Шунинг учун бу ерда картошқа етиштириш бошқа ҳудудлардагига қараганда самаралироқ.

Ана шундан келиб чиқиб, жорий йилда тумандаги мавжуд фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда аҳоли томорқаларида экилган картошқадан 42 минг тонна ҳосил олишни режалаштирилган.

Яхши ҳосил учун яхши парваршиш ҳам керак. Туманда ёмғирлатиб сўғориш технологияси жорий этилиши натижасида ҳар бир гектар майдондан 100 центнер галла етиштиришга эришилади. Айни пайтгача гектаридан 60-70 центнердан галла ҳосили олиналган бўлса, яна 30-40 центнер ҳосил давлатга ҳам, фермер хўжалиқларига ҳам қўшимча даромад келтиради.

Коррупцияга қарши курашиш

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Бекзод РАҲМОНОВ,
Коррупцияга қарши курашиш
агентлиги масъул ходими

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида юртимиз ҳаётининг муҳим соҳаларида изчиллик билан амалга оширилаётган ўзгариш, янгиланиш, ислохот ва ташаббуслар сарҳисоби қаторида ўз ечимини қутаётган халқро, минтакавий ва миллий доирада муҳим аҳамиятга эга бўлган долзарб масалалар таъкидлаб ўтилди.

Жумладан, республикамизда коррупцияга қарши курашиш борасида олиб борилаётган сазй-ҳаракатларни тизимлилик асосида мувофиқлаштириш ва тубдан янгилаш, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида коррупция билан боғлиқ ҳолатларга чек қўйиш мақсадида янги тузилма — Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилгани маълум қилинди.

Давлат раҳбари томонидан янги агентлиқнинг халқро ҳамжамиятга маълум қилинишининг аҳамияти шундан иборатки, ушбу агентлик нафақат республикамизда коррупцияга қарши курашиш ишларини такомиллаштиради, балки халқро доирада ҳам маъмур иллатга қарши курашиш борасида ўзаро халқорик ишларини янги босқичга кўтариб, Ўзбекистоннинг бу йўналишдаги кўп томонлама фаолияти самарадорлигини оширади.

Халқро ҳамжамиятнинг коррупцияга қарши курашиш ва бу соҳада давлатлараро ҳамкорликнинг ҳуқуқий тартиб-тамойилларини белгилаш мақсадида БМТ Бош Ассамблеясининг 2003 йил 31 октябрдаги қарори билан Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги халқро конвенция қабул қилинган.

Конвенция талабларига мувофиқ, ҳар бир аъзо давлат ўз ҳуқуқий тизимининг асосий тамойилларидан келиб чиқиб, минтакавий ва халқро даражада муваффақиятли ҳамкорлик қилиш дастурларини ишлаб чиқиш, жамиятда бу иллатнинг олдини олиш ҳамда илдинини қуритишга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Шунингдек, конвенциянинг 6-модаси 3-банди қарб ҳар аъзо давлат БМТ Бош котибига коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда бошқа иштирокчи давлатларга ёрдам бериши мумкин бўлган

Долзарб мавзу

БОЗОРЛАРДА ОЗИҚ-ОВҚАТ НАРХИ БАРҚАРОРЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Лола САОДАТОВА,
журналист,
Гулсум ШОДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолини арзон ва сифатли озиқ-овқат билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, жорий йил апрель ойидан бошлаб асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари импорти божхона тўловларидан озод қилинди. Лекин дунё бозорларида ошган нархнаво мамлакатимизга ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Бундай шaroитда ички имкониятларни ишга солган ҳолда, бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, нархнаво барқарорлигини сақлаш жуда муҳимдир.

Жорий йилнинг 16 октябрь куни мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва ички бозорда нархнаво барқарорлигини сақлаш масалалари юзасидан ўтказилган йиғилишда давлатимиз раҳбари аниқ вазифаларни белгилаб берди. Бугун Қашқадарёда ана шу вазифалар ижросига жиддий киришилган.

Жорий йилнинг 1 ноябрдан 2021 йил 1 майига қадар бўлган мuddат учун қилинган ҳисоб-китобларга кўра, вилоят аҳолиси эҳтиёжини қондиришга 86 минг тонна картошка, 11 минг тонна пиез, 32 минг тонна сабзи, 16 минг тонна гуруч, 123 минг тонна ун, 46 минг тонна гўшт, 24 минг тонна парранда гўшти, 17 минг тонна шакар, 12 минг тонна балик, 360,3 миллион дона тухум керак. Эндиликда 9 хил асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари захираси яратилиб, заруратга қараб кунлик савдога чиқариш тизими жорий этилади. Унга кўра, аҳоли талабидан келиб чиқиб, ҳар кун 34 тонна гўшт, 19 тонна товук туьк, 320 минг дона тухум маҳсулотлари нисбатан арзон нархларда кунлик савдога чиқарилади. Вилоятдаги 19 та бозор, аҳоли гавжум 24 та масканда арзонлаштирилган маҳсулотлар ярмаркалари ташкил қилинади. Бундан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотларини назорат қилувчи ишчи гуруҳлар фаолияти



орган ёки органларнинг номи ва манзилини хабар қилиши аниқ белгиланган. Ўзбекистон маъмур конвенцияга 2008 йил 7 июлда қўшилган бўлиб, унинг 6-моддаси 3-банди бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва Адлия вазирлиги коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда бошқа иштирокчи давлатларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган органлар сифатида белгиланган эди.

Аммо коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида конвенцияга аъзо давлатлар ҳамда халқро ташкилотлар билан ҳамкорликдаги фаолиятни тўлақонли амалга оширилган, деол олмаймиз. Бу ҳолатни қуйидагича изоҳлаш мумкин.

Биринчидан, коррупцияга қарши курашишда, асосан, содир этилган коррупция билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш, тергов қилиш ва айбдорларнинг қилмишларига ҳуқуқий баҳо бериш фаолияти билан шугулланилган.

Иккинчидан, юқоридаги ҳуқуқни муҳофазо қилувчи органлар, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва ижросини назорат қилиш каби масъулиятли вазифаларининг қўлами кенглиги боис, уларнинг фаолиятида коррупциянинг келиб чиқиш сабабларини тизимлилик асосида ўрганиш имкони бўлмаган.

Учинчидан, ушбу давлат органларининг коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасидаги фаолиятларини мувофиқлаштириб турувчи ягона тизим мавжуд эмас ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари етарли даражада яратилмаган эди.

Тўртинчидан, Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига ва халқро имижига зарар етказувчи коррупция билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш натижалари комплекс таҳлил қилиниб, уларнинг шарт-шaroитлари ва давлат бошқаруви тизимида бу ҳолатга имкон берган тартиб-тамойиллар батафсил ўрганилмаган.

Юқоридаги ҳолатлар ва бошқа шарт-шaroитлар сабаб коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги конвенция талаблари асосида юртимизнинг бу борадаги халқро фаолиятнинг самарадорлигини ошириш ва янги Ўзбекистонни барпо этишда бу иллатга қарши муросасиз курашиш маданиятини шакллантириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2017 йил 3 январда Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунни қабул қилинди.

Маъмур қонуннинг қабул қилиниши давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши курашишда куч ва имкониятларини бирлаштириб, яхлит бир тизим яратиш ҳамда соҳага оид миллий қонунчиликни такомиллаштириш имконини берди.

Ўтган давр мавойида коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, зарурий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий механизмиз ва институционал тизимлар яратиш ишлари изчиллик билан давом эттирилди.

Ушбу бошланган ишларнинг мантқий давоми сифатида Президентимизнинг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қў-

шимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган давлат сиёсатини шакллантириш, уни муваффақиятли амалга ошириш ҳамда самарадорлигини такомиллаштириш мақсадида махсус ваколатли давлат органи — Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди.

Ўзбекистонда янги агентлик ташкил этилганини бир қатор халқро ташкилотлар, жумладан, Жаҳон банки, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси, БМТ Тараққиёт дастури, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотлари юксак мамнуният билан қутиб олиб, агентлик фаолиятини йўлга қўйиш ва унинг зиммасидаги вазифаларни амалга оширишда амалий кўмак кўрсатишга ҳамда бу йўналишда яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини маълум қилдилар.

Бугунги кунда агентлик томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқро ҳамкорликнинг йўналишлари, ривожлантириш тенденциялари ва амалга ошириш лозим бўлган чора-тадбирлар режалари аниқ белгилаб олинган бўлиб, бу борадаги ишларни жадал суръатларда олиб бориш йўлга қўйилган. Хусусан, агентлик фаолиятига халқро стандартларни ва илгор хорижий тажрибани татбиқ этиш мақсадида бир қатор халқро ташкилотлар вакиллари ва хорижий экспертлар билан музокаралар ўтказилмоқда. Бундан кўзланган мақсад юртимизда коррупцияга қарши курашиш борасида олиб борилаётган ишлардан халқро ҳамжамиятини хабардор этиш, халқро рейтинг ва индекслардаги ўрнимизни яхшилаш, чет давлатлар ва халқро ташкилотлар билан тизимли ҳамкорлик қилишнинг янги механизмларини яратишдан иборат.

Агентлик халқро ҳамжамиятнинг коррупция ва у билан бевосита боғлиқ бўлган жиноятларга қарши курашиш борасидаги самарали ҳаракатларини ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаб, бу соҳадаги истиқболли лойиҳаларда фаол иштирок этишни бошлади. Чўнки коррупция мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, у миллий, минтакавий ва халқро шаклларга эга, унга қарши курашишда давлатлар томонидан алоҳида чораларни қўллаш самарали ҳисобланмайди. Коррупцияга қарши курашишда ҳар бир давлат, жамият ва халқро ташкилотларнинг ўзаро жипслиги талаб этилади. Зеро, халқро қаражадаги муаммага айланиб улгурган коррупцияга қарши фақат жаҳон ҳамжамиятининг бирлашган сазй-ҳаракатлари орқали самарали курашиш мумкин.

Шарҳ



Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашнинг янги тизими яратилади

Бехзод НАРИМОНОВ,
Тошкент давлат юридик университети декани ўринбосари,
Бехзод МУСАЕВ,
Тошкент давлат юридик университети кафедра мудир

“Инсон мафaтлари ҳамма нарсадан устун”. Президентимиз томонидан илгари сурилган ва бугун ҳаётимиздан тобора чуқур ўрин олаётган ушбу тамойил мамлакатимизда инсон манфаатларини муҳофазалаш ва жамият тараққиётини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Давлат органлари қаторида фуқаролик жамияти институтлари томонидан ҳам ушбу эзгу ташаббусни тўла рўёбга чиқариш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ногиронлиги бор шахсларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, соҳада тиббий-ижтимоий ёрдамнинг барқарор тизимини яратиш ишлари давом этмоқда.

Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда дунёда ногиронлиги бор 1 миллиардга яқин шахс ҳаёт кечирмоқда. Юртимизда ушбу шахсларнинг нуфузи 670 миңдан зиёдни ташкил этади. Коронавирус таҳдиди уларнинг ҳаётига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Шундай шaroитда алоҳида эътибор ва ғамхўрликка муҳтож бўлган шахсларни ёлғиз қолдирмасдан, манзилли ижтимоий ҳимоялаш нафақат давлат, балки фуқаролик жамияти институтлари, кўнгиллилар ва саховатпеша инсонлар томонидан ҳам амалга оширилаётганини алоҳида эътироф этиш лозим.

Президентимиз жорий йил 15 октябрда имзолаган “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини ҳуқуқий жиҳатдан тўла-тўқис тартибга солишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Аввало, ушбу қонунда “ногиронлиги бўлган шахс” тушунчасига аниқ таъриф берилди. Бу борадаги давлат сиёсати асосий мақсади ушбу шахсларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётда бошқалар билан тенг, тўлиқ ва самарали иштирок этиши учун шарт-шaroитлар яратишга қаратилган.

Маъмур тушунча БМТнинг ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ва бошқа бир қатор халқро стандартларга мос ҳолда киритилган. Бундан ташқари, “протез-ортопедия бўюмлари”, “реабилитация”, “сурдотаржима”, “сурдотехник воситалар”, “тифлотехник воситалар” каби янги тушунчалар қонуннинг амалий аҳамиятини янада оширади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашнинг асосий принциплари давлат томонидан қафолатланган иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизимининг асосий қидаларини белгилайди. Жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан ҳам қандай ажратиб қўйиш, истисно этиш, четлатиш, чеклаш ёки афзал қўриш, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг объектлар ва хизматлардан фойдаланиши учун шарт-шaroитлар яратишни рад этиш тақиқланиши ногиронлиқ белгисига кўра, камситилишга йўл қўймаслик принциплари аңглатида.

Қайд этиш лозимки, ногиронлиги бор шахсларнинг барча билан тенг имкониятларга эга бўлиши кундалик ҳаётда дуч келадиган қўллаб-шарт-шaroитлар билан боғлиқ. Тасаввур қилайлик, жамоат транспортларида эшитишда нуксони мавжуд ногиронлиги бўлган шахс учун ажбур табиолари ёхуд қуши оқизлар учун зарур маълумотларни овозли эълон қилиш тартиби жорий қилиниши ушбу шахсларнинг ўз манзилларига қийналмай етиб олишига ёрдам беради.

Шунингдек, ушбу шахсларнинг ортқич овораягарчилиги олдини олиш мақсадида айрим хизматлардан фойдаланишда ҳам муайян ҳуқуқлар белгиланмоқда. Хусусан, қонун кучга киргандан сўнг бундай инсонлар ижтимоий ва бошқа турдаги хизматлардан фойдаланишда давлат органларига яшаш жойидан қатъи назар, мурожаат қилиши мумкин бўлади.

Қонун билан ногиронлиги бор шахснинг ҳусусиятларидан келиб чиқиб, муайян яшаш шaroитларига эга бўлиш ҳуқуқи таъминланиши белгиланди. Масалан, жамиятнинг нуксонлари бор шахсга қўрқо қаватлардан эмас, балки қўлай қаватдан уй-жой берилиши мақсада мувофиқ. Шу билан бирга, уй-жой, имтиёзли ипотека кредитларини олишда уларга устуңлик берилиши алоҳида белгиланган. Яна бир муҳим жиҳат, ушбу шахсларнинг давлат органларига мурожаат қилишда имо-ишора тилини эътироф этиш, сур-

дотаржима хизматларини кўрсатиш ва факсимил имзодан фойдаланиш каби зарур шарт-шaroитлар яратишнинг белгиланиши давлат органларининг халқимизга самарали хизмат қилишида муҳим омил бўлади.

Ногиронликни белгилаш, ногиронликни қайта-қайта тасдиқлаш каби муаммолар ногиронлиги бўлган шахслар тиббий-ижтимоий ҳимоясига салбий таъсир кўрсатиб, уларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётган эди. Жисмоний имконияти чекланган шахс даволаниш эҳтиёжи бўлмаса-да, тиббий меҳнат экспертизаси комиссияларига асословчи ҳужжат топшириш учун муайян мuddат касалхоналарда даволанишга мажбур эди. Эндиликда ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, тиббиёт ташкилотлари ногиронлик белгилари аниқ кўруниб турган шахсларни клиник-функционал маълумотларни олишга доир қўшимча текширувларни ўтказмасдан туриб, тиббий-ижтимоий экспертизига юборишга ҳақли экани белгиланди.

Алоҳида қайд этиш лозимки, тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси фаолиятини очиклиқ, шаффофлик ва қонунийликни таъминлаш мақсадида унинг мажлисларида маҳаллий меҳнат, давлат ҳокимияти органлари, касалхона уюшмалари, суғурта ташкилотлари ва бошқа идораларнинг вакилларидан ташқари ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари вакиллари иштирок этиши мумкинлиги белгиланган. Бу эса ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонийнги манфаатларини жамоатчилик назоратининг таъсирчан воситалари орқали амалга ошириш имконини беради.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳақида сўз борганда, иш бевувчининг айби билан меҳнатда майиб бўлган ёки касб касаллигига қалинган ушбу шахсларни тиббий кўрсатмаларга биноан иш бевувчининг маблағлари ҳисобидан реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминланиши белгиланганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Албатта, ногиронликка қалинишни ҳеч қандай реабилитация билан компенсация қилиб бўлмайди. Аммо маъмур мажбурият иш бевувчиларнинг ҳодимларга муносиб меҳнат шaroитларини яратиш мажбуриятини бажармаслиги натижасида юзага келиш мумкин бўлган айрим нохуш ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади, деган фикрдимиз.

Шунингдек, ишга қабул қилиш ёхуд хизмат пиллапояларидан қўтарилиш каби меҳнат муносабатларининг барча босқичларида ногиронлиқ белгисига кўра, камситиш тақиқланиши, бундай шахсларни тунги ишдан ташқари вақтдаги ишларга ва дам олиш кунлари ишга жалб этишга йўл қўйилмаслиги ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ишловчи шахсларга нисбатан қисқартирилган иш вақти давомийлиги белгиланиши ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ-манфаатини ҳимоялашда муҳим омил бўлади.

Ногиронлиги бўлган шахслар жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун уларнинг таълим олиш ҳуқуқини қафолатлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли давлат ушбу шахсларнинг инклизив таълимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади. Бу борада ногиронлиги бўлган болаларни таълим муассасаларида ўқитишнинг вақтинча имконини бўлмаса, уйда ўқитилишини таъминлаш чоралари ҳам қўрилади. Умуман олганда, ушбу шахсларнинг таълим олиши эңг самарали ўқитиш йўллари билан амалга оширилади. Хусусан, экстернат шаклида, уйда, махсус гуруҳларда, яқка тартибда ёки масофавий тартибда амалга оширилади. Маъмур ўқитиш йўллариин танлаш ногиронлиги бор ҳар бир шахснинг индивидуал ҳусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, масъул мутахассислар томонидан белгиланади.

Ушбу қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Соғлом турмуш тарзи



БАРЧА ХАСТАЛИКЛАР САБАБЧИСИ — НОТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ



Гули ШАЙХОВА,
Тошкент тиббиёт академиясининг овқатланиш гигиенаси кафедраси профессори, тиббиёт фанлари доктори

Инсон организмнинг ўсиши, меъёрий ривожланиши ва ҳаёт кечириши ҳамда саломатлиги соғлом овқатланишга боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, инсонни соғлом турмуш тарзи томон етаклайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотида кўра, ўн та касаллик тури ва ўлим сабабларидан олтинчиси — семириш, камқонлик, юрак-қон томир, жигар ва бўйрак касалликлари ҳамда диабет нотўғри овқатланиш билан боғлиқ.

Дунёдаги етакчи илмий марказларда олиб борилган кузатувларда ҳайвон ёғдан ва юқори сифатли ун маҳсулотларидан тайёрланган таомлар ҳамда ширинликларни меъёридан ортиқ тановул қилиш, овқатланиш тартиби ва ритмига амал қилмаслик озиқ-овқатларнинг асосий таркибий қисмлари ўртасидаги мувозанатнинг бузилишига ва оқибатда мазкур касалликлар келиб чиқишига олиб келиши тасдиқланмоқда. Чунки улар қонда холестерин (ёғсимон зарралар) миқдорининг ошиши, қон босимининг кўтарилиши, мисокорд инфаркти, бош миёга қон қуйилиши ёки ишемик инсульт (бош миё ва бўйин томирларида ёғлар ўтириб қолиши оқибатида унда қон айланишининг ўткир бузилиши), қандли диабетга мойиллик туғилишининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади. Айни пайтда бутун дунёда тана вазири оғир, яъни семиз кишилар тобора кўпайиб бормоқда. Дунё шифокорлари агар тегишли чора-тадбирлар қўрилмаса, 2025 йилга бориб, семизликка чалинганлар сони икки баробар кўпайиши мумкинлигидан хавотирда.

Мамлакатимиз раҳбарининг “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари туғрисида”ги фармони имзоланиши замирида ҳам ана шу касалликларнинг олдини олиш назарда тутилган. Фармонда таъкидланганидек, COVID-19 пандемиясининг юзага келиши дунё мамлакатлари қатори Ўзбекистонда ҳам аҳолининг соғлиғи, жисмонан саломатлиги, соғлом ҳаёт кечириш даражаси заиф эканини кўрсатди. Коронавируснинг янги тури, асосан, юрак-қон томир ва нафас олиш йўллари ҳамда семизлик (ортиқча вазн) каби ҳамроҳ касалликларга чалинган беморлар ҳаётига хавф солмоқда.

Соғлом турмуш тарзи тушунчаси кенг маънога эга бўлиб, у жисмоний фаоллик, зарарли одатлар, яъни гиёҳвандлик, тамаки (носвой) чекиш, спиртли ичимликлар истеъмолига қарши кураш ва рационал овқатланиш каби ларни ўз ичига олади. Шу ўринда инсон организмга таъсир этувчи минглаб омиллар ичидан овқатланиш, айниқса, ўз вақтида ва меъёрида, зарур бўлганда эса парҳезбоз таомлар истеъмол қилиш етакчи аҳамиятга эга эканини ёдда тутиш лозим. Овқатланиш тиббий нуқтаи назардан, ёш, тана тузилиши, иқлим, мабодо касаллик бўлса, унинг тури ва давридан келиб чиқиб, хасталикнинг олдини олиш учун турли тартиб ва таркибда тавсия этилади. Шундагина инсон узоқ, соғлом ва фаровон умр кўриши мумкин.

Тиббий нуқтаи назардан, кунда тўрт марта ва ҳар куни бир вақтда овқатланиш мақсадга мувофиқ. Унинг тахминан 25 фоизи биринчи нонуштага, 15 фоизи иккинчи нонуштага, 35 фоизи тушликка, 25 фоизи эса кечки овқатга тўғри келиши соғлом овқатланишнинг асосий шартидир. Овқатланганда унинг таркибий қисмига эътибор бериш жуда муҳим. Оқсилга бой озиқ-овқатлар асаб тизими қўзғалувчанлигини оширгани сабабли уларни куннинг биринчи ярмида, яъни инсон фаол ҳаракатда бўлган даврда истеъмол қилиш маъқул. Акс ҳолда, уйқуну қочиради ёки чуқур уйқу ҳолати юзага келишига тўқсинлик қилади. Кечки овқат қуний овқатланишни кўп қисмини ташкил этганда ёғларнинг оксидланиши тўлиқ кузатилмай, семизлишга мойилликни келтириб чиқаради.

Соғлом овқатланишни ташкил этиш озқаларнинг яхши ҳазм бўлиши учун имконият яратди. Таом ейиш миқдори ва сонининг кўпайиши овқат ҳазм қилиш маркази қўзғалувчанлигини камайтиради ва иштаҳани сусайтиради. Ёши 50 дан ошган кишилар истеъмол қиладиган озиқ-овқатлар калорияси 2500-2600 дан ошмаслиги ва ёғ ҳамда шакар миқдори кескин чегараланиши керак. Шу ўринда кечки овқат уйқудан камида 2-3 соат олдин истеъмол қилиниши кераклигини алоҳида таъкидламоқчимиз. Гўшт ва баланддан тайёрланган таомлар (шу жумладан, ёғли), асосан, эрталаб ва кундузи истеъмол қилиниши лозим. Кечки овқат таркибиди ош тузи кескин чегараланиши, кўпроқ сутли таомлар бўлиши мақсадга мувофиқ. Чунки улар уйқу вақтида организмнинг физиологик фаоллигини ўзгартирмайди. Улардан фарқли ўлароқ,

Тиббий нуқтаи назардан, кунда тўрт марта ва ҳар куни бир вақтда овқатланиш мақсадга мувофиқ. Унинг

тахминан **25** фоизи биринчи нонуштага,

15 фоизи иккинчи нонуштага,

35 фоизи тушликка,

25 фоизи эса кечки овқатга тўғри келиши соғлом овқатланишнинг асосий шартидир.

тузли ва гўшти овқатлар юрак-қон томир ҳамда нафас тизимида салбий таъсир кўрсатиб, қон босимини, юрак уриши ва нафас сони пасайиши эмас, аксинча, кўпайишига олиб келади.

Истеъмол қилинадиган озиқ-овқатларнинг толаларга (қора, қурилган ҳамда бир кун олдин пиширилган нон ва бошқалар), витаминларга, калий ва магний тузларига бой бўлиши ҳамда таомларнинг ўсимлик ёғида тайёрланиши қон томирларида склероз ривожланишига тўқсинлик қилиниши эсдан чиқармаслик керак. Кўнлик таомномада сабзавот ва мевалардан тайёрланган салатлар, винегретлар, қарам, помидор, бодринг, қовоқ, кашнич етарли даражада бўлиши, дуқаклилар, яъни нухат, ловия, мош, шунингдек, турли қўзқоринлар чегараланган миқдорда ишлатилишига аҳамият берилади. Пиллоқ ва творонинг ҳам ёғсизлантирилган сутдан тайёрланганлари фойдалидир. Ичиш учун аччиқ бўлмаган чой, мева шарбатлари, ўтли дамламалар тавсия этилади. Бир сўз билан айтганда, овқат рацони турлитуман бўлиши ва улар инсон организмга ижобий таъсир кўрсатиши қариллик ва касалликка олиб келувчи жараёнларни тўхтатиш ёки секинлаштиришга сабаб бўлади.

Мунтазам равишда жисмоний фаол ҳаёт кечириш юрак-қон томир фаоллигини мўтадиллаштиради ва касаллик пайдо бўлишининг олдини олади. Жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланиш систолик (юқори) ва диастолик (пастки) қон босимини 5-10 мм. симоб устунига пасайтириб, қонда ёғ алмашинувига ижобий таъсир этади ва юрак касалликларига олиб келувчи холестерин миқдорини камайтиради. Шунингдек, организмнинг энергияга бўлган талаби ва унинг сарфланишини меъерлаштириди, кайфиятни кўтариб, умумий аҳолини яхшилайди. Утлеводларга бўлган (қандли диабет пайдо бўлишига) чидамликнинг ошиши, семириш, суяк-мушак касалликлари ва ўсмадор пайдо бўлиши хавфини камайтириш ҳам бевосита жисмоний машғулотлар билан мунтазам шуғулланиб боришга боғлиқ.

Ҳаракат бизнинг баданимизни шакллантиради. Жисмоний тарбия интизом, ирода, ушқоқлик, меҳнатсеварлик, юксак ақлий эътиқод ва ихтимойий аҳамиятга молик қимматли фазилатларни мужассамлаштиради. Организмнинг биологик имкониятларини ёритиб беради. Шу ўринда айтиш жоизки, организмни чиниқтириш (сув муложалари) унинг нуқул айқим шароитлари, яъни иссиқ ёки совуқ таъсирига чидамлигини оширади. Шунингдек, ҳар куни ўз вақтида уйқуга ётиш ва уйғониш, енгил душ қабул қилишга одатланиш инсон саломатлигиди самаралидир. Ҳар куни камида етти соат ухлаш эртанги фаоллигини кучайтиради.

Рухиятга таъсир қилувчи омиллар ҳам соғлом турмуш тарзида ўзига хос ўринга эга. Инсон руҳияти ва саломатлиги ўртасида ҳаётий ҳамда табиий боғлиқлик мавжуд. Соғлом тана, соғлом ақл, соғлом идрок, соғлом руҳ ҳар бир инсонда муштарак бўлиши шарт. Стресс ва салбий омиллар — барча касалликларнинг сабабчиси. Асабийлашиш ва руҳий зўриқишдан ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Инновацион янгилик

ЭЛЕКТРОН ПОЭТИК ЛУҒАТ

бундай ноёб хазина жаҳоннинг санокли давлатларида бор, МДХ мамлакатлари орасида эса ягона ҳисобланади



Бадий асарни бошқа тилга ўғирганда, уни ўзга миллат китобхонига борица, худди муаллиф тасвирлаганидек етказиш таржимондан катта масъулият ва маҳорат талаб этади. Айниқса, бошқа тилда айнан муқобили мавжуд бўлмаган сўзларни тавсифлашда таржимон ўта эҳтиёткор бўлиши лозим. Уларнинг ўрнига ҳолатни тўлиқ очиб бермайдиган сўзларни қўллаш ёзувчи тасвирлаган ҳиссий жозибадорликнинг йўқолиши, ҳатто бутун бир асар ғоясига путур етказиши ҳеч гап эмас.

Сўнги йилларда ўзбек таржимонлари томонидан хорижий тилларга ўтирилган бадий таржималарнинг ҳиддий танқидга учраётгани боиси ҳам шундан. Уларнинг аксариятида бадий тасвир воситалари етишмайди. Луғатларда берилган одатий сўзлардан фойдаланиб қилинган бундай таржималар асар руҳиятини бера олмаётгани ачинарли ҳол.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 23 декабрда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети таширифи чоғида мазкур масаланинг инновацион ечими сифатида филология фанлари номзоди Гулноза Одилваннинг “Ўзбек ва инглиз тилларининг электрон поэтик луғатини яратиш” лойиҳаси тақдим этилди. Инсон қиёфаси, феъл-атвори, табиат ва миллий тимсоллар тасвирини ўзида жамлаши кўзда тутилган поэтик луғат лойиҳаси тўлиқ қўллаб-қувватланиб, уни амалга ошириш учун Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан 600 миллион сўм маблағ ажратилди.

— Бадий асар таржимонининг асосий қуроли поэтик луғат ҳисобланади. Унда икки тилдаги бадий тасвир воситалари таржимаси берилиб, таржимонга нафақат асар сюжетини очиш, балки ундаги бадийликни китобхона етказишда кўмак беради, — дейди лойиҳа муаллифи Гулноза Одилова. — Боиси, ҳар бир бадий асарда воқеалар қатма-кетлигидан ташқари, ёзувчи услубига хос бўлган бадий ифодалар, тасвир воситалари бўладикки, таржима тилини пухта ўзлаштирган таржимон ҳам уларни бошқа тилда қайта яратишга қийналади. Масалан, биргина “кўз” сўзини оладиган бўлсак, шахсан ўзим замонавий ва мумтоз адабиётдан жами 66 та кўз тасвирини тўплаганман. Аммо аънавий луғатда “кўз” сўзи инглиз тилида фақат “eye” тарзида берилади. Уларда оҳу кўз, сўлгин кўз, айёр кўз ва бошқаларнинг изоҳи келтирилмайди. Ваҳоланки, инглиз

адабиётида ҳам турли маъноларни берадиган кўз тасвирлари бор. Электрон поэтик луғатни яратишдан мақсадимиз уларни бир ерга жамлаб, бадий адабиёт таржимасини янги босқичга кўтаришдан иборат. Афсуски, бугунги кунда бадий таржима билан шуғулланувчилар учун аънавий ўзбекча-инглизча луғатлардан бошқа қўлланма мавжуд эмас. Биз ана шу бўшлиқни тўлдирини ҳам олдимизга вазифа қилиб қўйганмиз. Айтиш жоизки, бундай ноёб луғат жаҳонда санокли давлатлардагина бор. МДХ давлатлари орасида эса мутлақо учрамайди.

Ўзбек тили корпусини яратиш лозим

Бадий асар таржимасида китобхона маълум бўлмаган ўта нозик ва сермашаққат жиҳатлар кўп. Сўз ва сўз бирикмаларининг аспий, маънавий таржимасидаги мавжуд фарқлар ва уларнинг ижодкор томонидан усталлик билан ишлатилиши асар тилида сўзлашадиган халқ, унинг маданияти, турмуш тарзи, қўндалик ҳаёти билан яқиндан таниш бўлмаган таржимон учун турли мураккабликларни келтириб чиқариши, бунинг оқибатида унинг мазмуни ўқувчига қисман бўлсада бузилган ҳолда етиб бориши мумкин.

Узоқ йиллардан буён талабаларга таржимашуносликдан дарс бериб келаётган Гулноза



Одилваннинг ўзи ҳам ўзбек тилидан инглиз тилига таржималар қилиш билан бирга, юқориди каби муаммоларни ўрганиб, таҳлил қилиб боради. У ўзининг бу борадаги фикр-мулоҳазаларини 100 дан зиёд илмий мақола, 2 та ўқув қўлланма ва 1 та монографияси қўрали изоҳлаб ҳам берган.

— Бадий асарнинг бир ва рағини таржима қилиш, ундаги бадий тасвир воситаларининг бошқа тилдаги муқобилини топиш учун таржимондан соатлаб изланиш, катта меҳнат ва сабр талаб этилади, — дейди Гулноза Одилова. — Афсуски, бунга кўпчиликнинг ҳафсаласи етмайди. Шу боис, бугун чоп этилаётган ўнлаб таржима

асарларда фақат оддий луғатлардан фойдаланилаётгани ҳисобига бадий тасвир воситалари деярли учрамайди. Уларда фақат воқелик, сюжет таржима қилинади, холос. Чунки таржимон кўпинча бадий тасвир воситаларининг инглиз тилидаги маъно муқобилини топишга эринади, вақтини қизганади. Ваҳоланки, бадий асарнинг қиймати ундаги бадий тасвирлар билан белгиланади.

Тақдироти келаси йилнинг июль ойига мўлжалланган инновацион поэтик луғатнинг икки боби ҳозир тўлиқ якунига етказилди. Инсон қиёфаси ва феъл-атвори тасвирига бағишланган биринчи бобдан жами 4 231 та бадий тасвир воситаси жой олган. Сўзлар замонавий ўзбек адабиётидаги 200 дан зиёд бадий асардан, ушбу тасвирларнинг инглиз тилидаги маъно муқобиллари эса шу тилдаги бадий китоблардан йиғиб чиқилган. Табиат тасвирлардан иборат иккинчи бобда ўзбек ва инглиз тилидаги шу мавзуга оид 3589 та бадий тасвир воситаси жамланди. Айни пайтда луғатни яратиш жараёнига жалб этилган филология фанлари доктори, профессор Бахтиёр Менглиев, филология фанлари доктори Жамила Жумабоева, филология фанлари доктори Нилуфар Сагдуллаева, IT соҳа бўйича техника фанлари номзоди Ботир Элов ва ёш тадқиқотчилардан иборат жамоа учинчи — Миллий тимсоллар боби устида изланиш олиб борапти.

Ноёб поэтик луғатни яратиш жараёнига хорижий мутахассис, Малта давлат университети бадий таржима кафедраси мудири, профессор Серхио Портелли ҳам маслаҳатчи сифатида жалб қилинган бўлиб, мутахассисга сўзларнинг инглизча изоҳларини кўриб бериш вазифаси юклатилган. Дунёнинг санокли давлатларидагина мавжуд бундай луғат Портеллида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. У келажақда мамлакатда ана шундай поэтик луғат яратиш ниятида.

Таржимашунослик соҳасида янгилик бўлиши қўтилаётган мазкур поэтик луғат нафақат юртимиз, балки хорижий таржимонлар учун муҳим қўлланмага айланиб, лойиҳа келгусида ўзбек тилининг жаҳондаги нуфузини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири